

RESEARCH ARTICLE

Gaybulla Salomov's Philosophical Views On Translation And Translation Studies

Odiljon Safarov

Associate Professor, Candidate of Philological Sciences Tashkent, Uzbekistan

VOLUME: Special Issue 2026

PAGE: 24-27

Copyright © 2026 European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, this is an open-access article distributed under the terms of the Creative Commons Attribution-Noncommercial-Share Alike 4.0 International License. Licensed under Creative Commons License a Creative Commons Attribution 4.0 International License.

Abstract

This article examines the philosophical views of the renowned Uzbek scholar Gaibulla Salomov on translation and the science of translation, and comprehensively reveals their essence.

KEY WORDS

Translation, translation science, translation theory, translator linguistics, literary theory, literary criticism, literary translation.

INTRODUCTION

"Хар бир киши тилдан фойдаланади, шунинг учун у ҳақда ҳукм чиқариши мумкин, деб ўйлайди. Гётенинг ҳикматли сўз-ла-ри қатордан ўрин олган бу ифода тўғри. Бироқ ҳар ким тил ҳа-қи-да билган-билмаганини ёзиши ёки айтиши тўғрими? – Албатта, йўқ. Бундай ҳолларда сукут сақламоқ, шу соҳа бўйича иш олиб борганлар, унга тегишли қанчадан-қанча китобларни ўқиб чиққанларнинг фикрлари ўқимоқ, эшитмоқ, улардан са-боқ олмоқ афзал. Акс ҳолда кўп хато ва камчиликларга йўл қў-йиш табиий. Бундай хато ва камчиликлар тилга тегишли маса-ла-ларни ўрганишда турли муаммолар келтириб чиқаришлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Гётенинг юқорида қайд этилган ҳикматли сўзини тар-жи-мага нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Зеро, таржима матн-ларини ҳам ҳамма ўқийди ва бу ҳол таржима ишларига ҳам-ма бевосита ёки билвосита дахлдорлигидан далолат бе-ра-ди. Таржима матнларисиз ёки хорижий адабиётларга тегишли матн-ларсиз муайян жиддий илмий иш қилишни эса, мутлақо та-саввур қилиб бўлмайди. Бундай ҳолларда баъзан тад-қи-қот-чи-ларнинг ўзлари хорижий тилдаги у ёки бу

матнни беихтиёр тар-жима қилишга киришиб кетган ҳоллар ҳам кўп учрайди. Би-роқ албатта, бунақа ҳоллардан ҳам ҳар ким таржима ҳақида ўзи бил-ганини гапириш ёки ёзиш ҳуқуқига эга, деган хулоса чи-қа-риб бўлмайди. Лекин тўғри, ҳеч ким булар ҳақида гапирмоқчи ёки ёз-моқ-чи бўлган кишининг оғзи ёки қўлини боғлаб қўйгани йўқ. Бун-дан кейин ҳам бундай бўлмаслиги табиий. Бироқ бун-дан кейин бу борада бир жиддий масалага жиддий эътибор бе-ри-лиши мақ-садга мувофиқ.

Бу масала бирор матн таржимасини чоп эттирмаган, тар-жи-ма илмидан унча хабардор бўлмаган, тегишли хорижий тилни ҳам етарлича билмайдиган шахс, таржима илми бўйича ё ма-гистр-лик, ё PhD, ёки DSc даражасини берувчи тадқиқотга қўл уриши мисолида яққолроқ намоён бўлади.

Шу нуқтаи назаридан Ғ.Саломов таржима ва таржима илми ҳа-қида билдирган фалсафий фикрлар ўрганиш, долзарб аҳа-ми-ят касб этади. Зеро, уларнинг ҳар бирида Ғ.Саломовга хос ус-луб, ил-мий салоҳият, кенг доирада фикрлаш ҳамда холис-лик мужассам.

Номи юқорида қайд этилган мавзуга тегишли масададарни ўрғанишдан мақсад – таржимага қизиқувчилар ва соҳа тадқиқотчиларни Ғ.Саломовнинг таржима ва таржима илми ҳақиқидаги фалсафий фикрларидан хабардор қилиш.

Ғ.Саломов айрим дарсликлари, мақолалари, илмий-оммабоп китоблари, ҳамда давра суҳбатлари чоғида таржима, таржинома илми ҳамда таржимон ҳақида билдирган фикрларга эътибор қаратилиши

Мавзунинг асосий қисмига ўтишдан олдин таъкидлаш лозимки, жаҳон миқёсида таржима соҳасида фаолият юритган илм аҳли кўп. Бироқ мазкур фаолият билан боғлиқ масалаларни ўз ишларида чуқур мазмунли фалсафий фикрлар орқали ҳам ёритган тадқиқотчи ва олимлар кўп эмас. Ҳар ҳолда улардан бири шубҳасиз Ғ.Саломов ҳисобланади.

Мавзунинг асосий қисмини Ғ.Саломов адабиётшунос олим С.Умиров билан суҳбати чоғида билдирган ушбу фикрдан бошлаш лозим топилди:

“Мен бадиий таржима назарияси юзасидан 1956–йилда диплом иши ёклаганимда (илк тадқиқотим ҳажми 170 саҳифа бўлган), ўзимни таржимашуносликнинг Арши аълосида ҳис этардим. Чамамда мендан зўр “назариячи” йўқ эди. Тез фурсатда амалиётга кўчганимда маълум бўлдики, нонни “нанна” деб юрган эканман” [8:32-33].

Бу фикр Ғ.Саломов таржима илмига ўшандаёқ зўр қизиқиш билан кириб келганидан ва илм йўлидаги ҳар қандай машаққатни ўз зиммасига олганидан далолат беради. Ўша диплом ишининг ҳажми анча катта бўлгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Шу ўринда ўша пайтларда собиқ иттифоқ миқёсида таржинома илми бўйича қисқа тўхтаб ўтадиган бўлсак, улар унча мақтовга лойиқ бўлмаган.

Айнан бадиий таржима назарияси тарафдорлари таржиноманинг лисоний назариясини сўзма-сўз таржима назарияси, ҳарф-ма-ҳарф таржима назарияси, шаклий таржима назарияси иборалари орқали қоралашни ўзларига одат қилиб олганлар.

Таржиманинг лисоний назарияси тарафдорлари таржимон омили ёки бошқа масалалар ҳақида билдирган фикрларни, бадиий таржима назарияси тарафдорлари лисонийлик доирасидан чиқиш сифатида

баҳолаганлар.

Лисоний таржима назарияси тарафдорлари, ўзларига тегишли назария моҳиятини жўяли тарза тушунтириб бера олмаганликлари, ушбу назариялар ўртасидаги зиддиятларни янада кескинлаштирган.

Ғ.Саломов таржима тадқиқотчи ва олим сифатида шундай вазиятда фаолият юритган, таржима ва таржима илмининг энг муҳим масалалари бўйича ўз сўзларини айта олган. Мана шундай фикрлардан бирини олим қуйидагича ифодалайди:

“Таржимон тил соҳасида ижод қилади. Тилнинг асосий қурилиш материали эса сўздир. Бадиий адабиёт учун ғоятда муҳим бўлган кўрсаткичлар – бадиийлик, образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик – барчаси сўз замирида яширинган, сўзда ўз ифодасини топади ва сўз орқали реаллашади. Бинобарин, сўз танлаш бадиий таржимада бирламчи аҳамиятга эга” [5: 73].

Гарчанд Ғ.Саломов бу масалага бадиий таржима нуқтаи назаридан ёндашган бўлса-да, таржиманинг сўз ва тил билан боғлиқ жиҳатларини ҳатто жаҳоннинг энг таниқли таржимашунос олимлари ҳавас қилса арзийдиган ҳолда талқин қилади.

1966-йили нашр эттирган “Тил ва таржима” китобида ҳам Ғ.Саломов шу масалаларга жиддий эътибор қаратади. Шунингдек, у унинг биринчи бобида, XIX асрда яшаб ижод қилган кўплаб таниқли рус зиёлиларининг таржимага оид фикрлар ҳақида кетма-кет маълумотлар бериб ўтади ва ўша боб охирида Белинский таржима ҳақида билдирган фикрлар, таржима илми истиқболи учун муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлайди [6: 148].

Собиқ иттифоқнинг қанчадан-қанча тадқиқотчилари ва таржимашунос олимлари Белинский таржима ҳақида билдирган фикрларга деярли бепарво бўлиб турган бир вазиятда, Ғ.Саломов унинг таржимага оид ишларига ҳақиқатан ҳам жиддий эътибор билан қарайди ва уларни имкони борича ривожлантиришга ва ҳар томонлама бойитишга ҳаракат қилади. Мана, у 1961-йили ёклаган номзодлик иши монографиясида ҳам, Белинскийнинг тегишли фикрини қуйидагича эътироф этади:

“Таржимон ўзи ағдараётган асарни у қандай бўлса,

шундай таржима қилиши керак. У ўз ёнидан текстга биронта ҳам сўз қўшишга, ундаги биронта ҳам сўзни олиб ташлашга ёхуд уни ўзгартиришга ҳадди йўқ. Қисқасини айтганда, у аниқ таржима қилиши керак” [4: 41].

Ғ.Саломов ҳам таржиманинг кадр-қимматини унинг эс-те-тик қиймати аслиятга нечоғли яқинлигида [3:30], деган фикр-ни ёқлаб, шундай ёзади:

“Баъзи таржимонларимиз ижодий таржима қиламан деб, қа-ерда йўқ гапларни текстга киритадилар ва бу билан асарни ижодий таржима қилдим деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, “ижод” сўзи ўзининг бу маънодаги талқинидан ор қилади” [4: 42].

1980-йили нашр этилган “Адабий анъана ва бадий тар-жи-ма китобида” Ғ.Саломов яна Белинскийга мурожаат қи-ла-ди ва у тар-жиманинг аҳамияти ҳақида билдирган барча муло-ҳа-за-лар-ни умумлаштириб беради.

Ғ.Саломовнинг илмий-ижодий фаолияти муайян йиллар ора-ли-гида таҳлил қилиб кўриладиган бўлса, олим таржима ҳа-қи-и-да-ги олдинги йилларда билдирган фикрларига содиқ қол-га-ни-ни кў-ришимиз мумкин. У дастлабки монографиядан қарийб йи-ғи-р-ма йил ўтгач чоп эттирган “Таржима назарияси асослари” ки-и-то-би-да қайд этган ушбу мулоҳаза ҳам бунга мисол бўлиши мум-кин:

“Таржимада, хусусан бадий таржимада субъектив омил жуда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бундай субъективлик таржима қоришмасини “назарий” оқлаш, оригинални (асл нусха) хоҳлаганча талқин қилишга асос бўла олмайди. Таржимадаги субъективлик санъат ва ижодий яратувчиликка хос субъективликдир” [5: 3].

Шогирди Н.Отажон билан бирга тайёрлаган “Жаҳонгашта Бобурнома” китобида эса Ғ.Саломов ҳақли равишда қуйидагини таъкидлайди: “Адиб ёки мунаққид асарни қандай талқин этса, бу унинг иши. Муайян талқинни адабий жамоатчилик қабул қи-ли-ши ёхуд рад этиши мумкин. Аммо асарни бир тилдан бош-қа-си-га ўги-ришда мутаржим бу зайлда эркинликка изн беришга ҳақ-и-ли эмас. Аслият қандай бўлса, ўшандай ўгириши шарт” [1:62-63].

Ўша китобдаги ушбу фикр ҳам эътиборга лойиқ:

“Таржима муҳаббат фарзандидир. Нафрат билан таржима

қи-либ бўлмайди. <....> Акс ҳолда меҳр ёлқини ўрнига совуқ ло-қайд-лик, эътироф ўрнига эътироз, тасдиқ ўрнига инкор туй-ғу-си ҳосил қилиш, ўзни ва ўзгани алдаб қўйиш ҳам мумкин” [1:85].

Ўша китоб муаллифлари яна шундай ёзадилар:

“Бадий адабиётда шундай нодир обидалар борки, уларни қай-та яратишда фақат матн доирасида ўралашиб қолиб бўл-май-ди. Олайлик, Бобурнинг кимлигини билмай туриб “Бобур-но-ма”ни таржима қилиб бўладими? Бундай ҳолларда ўги-ри-ла-ёт-ган муайян асарнинг адабий, илмий, ижтимоий-сиёсий, та-ри-хий, инсоний муҳитдан ташқари, ҳатто табиий, жўғрофий иқ-лимни ҳам билишга тўғри келади” [1:60].

Таржима қандай бўлиши таржимонга, унинг билими ва иқтидорига боғлиқлиги ҳақида Саломов яна шундай ёзади:

“Бирон асар ўзбек тилига асл нусхасига қараганда бўш ағ-да-рилган бўлса, бу тилнинг қусури эмас, таржимоннинг нў-ноқ-лигидир. Чунки ҳар бир таржиманинг сифати, аксарият, тар-жи-мон-нинг истеъдодига боғлиқ” [8:52].

Албатта, бундай фикрларнинг мағзини чақиш керак. Шун-да-гина уларда гап ҳақиқий таржима ва у қандай бўлиши ке-рак-ли-ги ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Сир эмаски, олимлар илмий фикрларини аксарият ҳоллар-да шу даражада мураккаб талқин қиладиларки, улар нима де-ган-ларинию нимани назарда тутганларини тушуниш қийин. Ғ.Саломов таржима ҳақида ҳам, таржима илми ҳақида ҳам, тар-жи-манинг азалий муаммоси ҳақида ҳам шундай теран фикрлар бил-ди-рганки, уларга қойил қолмасдан иложи йўқ. Жумладан, олим таржимани шундай тавсифлайди:

“Таржима бу Сўз. Плус Жумла. Плус Маъно. Плус Товуш. Плус Оҳанг. Плус Мантик. Плус Фоя. Плус Ифода. Плус Таъсир-чан-лик. Плус Мураккаблик. Плус Соддалик. Плус Аниқлик. Плус эр-кинлик. Плус Қиёс. Плус Услуб. Плус Вақт. Плус Макон. Плус Шакл. Плус Талқин. Плус Луғат. Плус Миллий-лисоний омил-лар. Плус Истилоҳ. Плус Ғайрилисоний муҳит. Плус Қурбон. Плус Кашфиёт. Плус Товон. Алқисса: зиддиятлар тугуни!” [8:33].

XX асрда жаҳон таржимашуносларини ташвишга солган энг асо-сий муаммо таржима бўлиш ва таржима

бўлмаслик ҳақиқдаги фикрлар ўртасидаги зиддиятдир. Уни жаҳон олимлари кўп муҳокама қилишган, бироқ барибир ечимларини топа олмаганликларини муайян тарзда эътироф этишган.

“Таржима назариясига кириш” (1978) китобида Ғ.Саломов бу муаммо ҳақида шундай ёзади: “Дастлабки таржима асарлари пайванд бўлган кунлардан бошлаб, таржима бутун бошлиқ бир адабиётга, илм ва санъат даргоҳининг катта бир соҳасига айланган ҳозирги давргача босиб ўтилган нотекис йўл мушоҳада қилинса, ҳозиргача бўлган таржималар тарихи бир-бирига зид икки хил қараш – таржима бўлиш ва таржима бўлмаслик назариялари ўртасидаги курашлар тарихидан иборатмикан, деган фаройиб бир ҳаёлга боради киши” [7:52].

Кейинчалик олим бу ҳақда қуйидагиларни қайд этади:

“Бир тилдан иккинчи тилга илк таржима амалга оширилган дақиқадан, халқларнинг бир-бирлари билан ўзаро мулоқот қилишнинг жаҳоншумул воситаси кашф этилган ўша ёруғ кундан бошлаб, худди эгизаклар сингари, ноумидлик, шаккоклик ғояси: таржима қилиб бўлмайди, деган шум ақида ҳам пайдо бўлди. Бу ақидани қандайдир тўпори, ҳамма нарсани кўр-кўроғна рад этаверадиган анойилар эмас, балки буюк ақл эгалари, мутафаккирлар, қилни-қирқ ёрадиган доно файласуфлар, адиблар, таржимашунос олимларнинг ўзлари яратдилар” [2:143].

Ўтган асрда жаҳон миқёсида таржима илми бўйича амалга оширилган ишлар натижасида, таржиманинг лисоний назари-яси, бадиий таржима назариясидан ташқари яна кўпгина назари-ялар, моделлар, концепциялар яратилган. Библия таржи-ма-си назарияси, махсус матнлар таржимаси назарияси, қонуний мосла-шувлар назарияси, муқобиллик дара-жа-лари назари-яси, ре-а-лис-тик таржима назарияси, прагматик таржима назари-яси, функ-ционал таржима назарияси, скопос назарияси ҳамда тар-жи-ма бўйича ишлаб чиқилган турли моделлар ва кон-цеп-ци-я-лар (нисбийлик, функ-цио-нал, ҳерменевтик, ког-ни-тив ва ҳ.) шулар жумласидан.

Албатта, уларга тегишли масалалар таржимашунослик фа-ни доирасида ўрганилиши керак. Бу фан моҳиятини Ғ.Саломов “Жаҳонгашта Бобурнома” китобида шундай тавсифлайди:

“Таржимашунослик бу қомусий фан. У ўз таркибига тарих, назария ва танқид, адабиёт назарияси, қиёсий адабиёт-шунос-лик ва типология, тил, грамматика, услубиёт, луғат, халқ оғзаки ижо-ди, атамашунослик, иборасозлик (фразеология), мақол-шунос-лик, ва маталшунослик (паремиология; фалсафа, мантик, эт-но-графия, руҳшунослик (психология), баён ва иншо, матн-шунос-лик, мамлакатшунос-лик каби фанларни қамрайди” [1: 65].

Хулоса шуки, Ғ.Саломов таржима ва таржима илми ҳақида билдирган фалсафий фикрлар тегишли илмий-фалсафий асосларга эга эканликларига шубҳа йўқ. Фақат улар имкони борича чуқур ўрганилиши ва улардан тўғри хулосалар чиқарилиши мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Ас-Салом Ғ., Отажон Н.. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти., 1996.
2. Ас – Салом Ғ. Эзгуликка чоғлан одамзод. – Т.: Шарқ, 1997.
3. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
4. Саломов Ғ. Мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Т.: Узфанакаднашр, 1961.
5. Саломов, Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқит., 1983.
6. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: “Фан” нашриёти, 1966.
7. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
8. Умиров С. Мавлоно Ғайбуллоҳ ас-Салом. – Т., Мулоқот, 1999.